
Ижтимоий нафақа оловчи ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз шахсларга компенсация тӯлови жорий этилади

“Аҳолиннинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тӯғрисида”ги Президент фармони (ПФ-58-сон, 28.01.2022 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2022 йил 1 марта:

уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тӯлаш бўйича имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тӯловлари, уни олиш ҳукуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тӯлаб борилади;

ижтимоий нафақа оловчи ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз шахсларга компенсация тӯлови жорий этилади.

Бунда, ҳар ойлик компенсация тӯлови – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи (130 050 сўм) миқдорида тӯланади.

Ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа оловчи шахслар учун ҳар ойда – пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи (289 минг сўм) миқдорида қўшимча тӯлов белгиланади.

Бунда, қўшимча тӯлов пенсия ва нафақа тайинланган ташкилот орқали республика бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

М.МАМАТҚУЛОВ,

Пенсия жамғармаси Бағдод тумани бўлими шўъба мудири.

2022-02-23 15:17:28